



Fidoyilik —
vatanga xizmat demak!

2022-yil 14-may, shanba,
55 (23.622)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Низолашган
ота-бола, ака-ука
ўртасига туша
кўрманг, чунки
сиздан олдин
улар ўртасига
нафс, юзсизлик,
оқибатсизлик
тушиб бўлган

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Муаммони олиб чиқиш эмас, ҳал қилиш муҳим

13 май куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди.

Дастлаб бир қатор масалалар бўйича Кенгаш қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги "Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида вилоят ҳокими ўринбосарларининг 2022 йил 1 чорадаги фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари кўриб чиқилиб, маъқулланди. Айрим йўналишлар бўйича белгиланган вазифа ва чора-тадбирларни кейинги чоракларда ўз вақтида ва сифатли бажариш зарурлиги кайд этилди.

Депутатлар вилоят ҳокимининг "**Қодилов Баҳодир Раҳимович**"ни Самарқанд вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари лавозимига тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорини тасдиқлади.

Шунингдек, вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича вилоят комиссияси низоми ва таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйиш бўйича тақдимот материалларини кўриб чиқиш ва мулкдорлар билан очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 8 апрелдаги "Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳар шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори маълумот ва ижро учун қабул қилиниб, вилоят бюджетининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги намунавий низоми ҳамда вилоят бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни умумлаштирувчи комиссия таркиби тасдиқланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонаси муdiri М.Турдиев **2022 йил тўрт ойи давомида вилоятдаги секторлар ва ташкилотлар раҳбарларининг аҳоли мурожаатлари ва муаммолари билан ишлаш ҳолати юзасидан** ахбороти эшитилди.

М.Турдиевнинг қайд этишича, йил бошидан буён Халқ қабулхоналарига юридик ва жисмоний шахслар томонидан 5342 та масала баён этилган 4927 та (2021 йилнинг шу даврида 9333 та) мурожаат келиб тушган. Бу мурожаатларнинг 3588 таси қаноатлантирилган. Энг кўп мурожаат электр, газ ва сув таъминоти (680 та), моддий ёрдам олиш (322 та), иш билан таъминлаш (313 та), алимент пулларини ундириш (425 та), пенсия, нафақа ва бола пули тайинлаш (365 та) билан боғлиқ бўлган.

Сектор раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар ўтказиш ва уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш, штаблар фаолиятини йўлга қўйишда жойларда камчиликларга йўл қўйилаётгани, жумладан, солиқ инспекциялари бош бўлган тўртинчи секторларда бу борада муаммолар кўплиги таъкидланди.

Депутатлар Халқ қабулхоналари томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, секторларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдирди.

– **Халқ қабулхонасига тушган мурожаатни сессияда муҳокама этишгача қутиб ўтириш шарт эмас, мутасадди идоралар билан бирга ҳал этиш чорасини кўриш лозим. Умуман, муаммони кўтариш эмас, ҳал қилиш муҳим, – деди Кенгаш раиси Э.Турдимов.**

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари Х.Умаровнинг **ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида вилоятда амалга оширилган ишлар ҳамда белгиланган вазифалар тўғрисидаги ҳисоботида** келтирилишича, йил бошидан буён ушбу йўналишдаги профилактик тадбирлар давомида адашган, назоратсиз ва қаровсиз, тарбияси огир, дайдилик қилиб юрган 852 нафар вояга етмаганлар аниқланган. 1984 нафар тарбияси огир бўлган болаларнинг ота-оналари билан профилактик суҳбатлар олиб борилиб, 1203 нафарининг ота-онасига нисбатан тегишли тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

– Бироқ профилактик тадбирларга қарамаздан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида вилоят ҳудуди-

да қайд қилинган 2242 та жиноятнинг 508 таси ёки ҳар тўртинчи жиноят ёшлар томонидан содир этилган, – деди Х.Умаров. – Бу эса вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш масаласига барчамиз, кенг жамоатчилик алоҳида эътибор қаратиши зарурлигини кўрсатади. Сессияда вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Ш.Бойхўрозов **давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 4 апрелдаги "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот** берди.

– Бугунги кунда вилоят махсус эксплуатация-монтаж корхонаси бизнинг бошқармамиз тасарруфига ўтказилиб, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари ва Оқдарё туманида 105 штат бирлигидан иборат эксплуатация-монтаж бўлинмаларини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда, – деди Ш.Бойхўрозов. – Ҳозирги кунда вилоят йўлларидаги ҳаракатни техник воситалар орқали бошқариш ишлари талаб даражасида эмас. Мавжуд 18572 дона йўл белгисидан 4631 нарасини алмаштириш лозим. Шунингдек, етishмайдиган 13798 дона йўл белгиларини ўрнатиш, 27 та тартибга солинмаган чорраҳа ҳамда 38 та пидедалар ўтши жойларини светофор билан жиҳозлаш лозим. 2023 йил якунига қадар Самарқанд шаҳрининг йирик серкатнов чорраҳаларидаги, 2024 йил якунигача эса шаҳарнинг барча чорраҳаларидаги светофор объектиларини рақамли бошқарув тизимига ўтказиш лозим. Айни пайтда Самарқанд шаҳрида реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган йўлларда жойлашган 36 та светофор объектиларини рақамли бошқарув тизимига ўтказиш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, сессияда вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи З.Жамаловнинг "**Яшил макон" умумий лойиҳаси бўйича бошқарма томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан**, вилоят ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар масалалари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси З.Раҳмоновнинг **вилоятда хотин-қизлар муаммоларининг ҳал этилиши юзасидан кўрилатган чоралар тўғрисидаги ҳисоботлари** эшитилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан Кенгашнинг қарорлари қабул қилинди.

Пойтахтимизда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Халқ дипломатияси форуми иштирокчилари Самарқандга ташриф буюрди.

Буюк Ипак йўли чорраҳасидаги кўҳна ва боқий шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

– Форумда ташкилотга аъзо бўлган, шунингдек, кузатувчи ва мулоқот қилувчи шерик мақомидаги давлатлар вакиллари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда маданий-гуманитар соҳага алоқадор шахслардан иборат 120 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди, – дейди Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази директори Қобилжон Собиров. – Самарқанд билан танишиш учун Қозоғистон, Тожикистон, Покистон, Ҳиндистон, Қирғиз Республикаси ҳамда Россия Федерацияси вакилларида иборат бир гуруҳ иштирокчилар кўҳна кентга келди. Улар бой тарихимиз, маданиятимиз билан бевосита танишиб, қадимдан халқлар ўртасидаги мулоқот майдони бўлган Самарқанд халқ дипло-



ШХТ Халқ дипломатияси форуми иштирокчилари Самарқандда

матияси бешиги эканлигини таъкидлади.

Жорий йил ШХТ давлатлари раҳбарлари иштирокида ўтадиган нуфузли саммитга кўрилатган тайёргарлик жараёнларини кузатган меҳмонлар Самарқанд анжумани ташкилот нуфузи янада ошишига хизмат қилишини қайд этишмоқда. Бугунги танишув жараёнлари ҳам ҳамкор давлатлар ўртасидаги маданий-гуманитар

алоқалар ривожига хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Форум иштирокчилари Амир Темур макбараси, Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Хўжа Дониёр, Ҳазрати Хизр, Бибиҳоним мажмуаларида бўлди ҳамда "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолияти билан танишди.

Судлар биринчи чоракда қандай ишлади?

Вилоят судлари томонидан жорий йил биринчи чоракда одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти юзасидан брифинг ўтказилди.

Унда вилоят суди раиси Олим Хайитов ҳамда ўринбосарлари, вилоят маъмурий суди раиси Тоҳир Файзиев ҳисобот давридаги фаолият бўйича ахборот берди.

О.Хайитовнинг қайд этишича, йилнинг дастлабки уч ойида вилоят, туман ва шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари томонидан 1494 нафар шахсга нисбатан 1215 та жиноят ишлари кўриб тамомланган. Шундан 853 та иш бўйича 1105 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилди. 362 нафар шахсга нисбатан 389 та иш тугатилди.

Судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари бўйича 175 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди. Вилоят

судларининг барча инстанцияларида 3 нафар шахс оқланди. 346 та жиноят иши тарафларнинг ярашганликлари муносабати билан тугатилиб, 371 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

– Ҳисобот даврида вилоят ҳамда туманлараро маъмурий судлар томонидан оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 269 та маъмурий иш кўриб тамомланди, – деди Т.Файзиев. – Уларнинг 130 таси қаноатлантирилиб, 100 таси рад этилди. Жумладан, туман, шаҳар ҳокимликларининг қарорларини бекор қилиш билан боғлиқ 102 та иш кўрилиб, 51 та қарор ҳақиқий эмас, деб топилди.

Брифингда судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимида раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Ахборот хизматларининг ёзишича

Иштихон туманида "Темир дафтар"-га киритилган 192 нафар фуқарога ўзини ўзи банд қилиши учун зарур асбоб-ускуналар тарқатилди.

Самарқанд шаҳрида ҳоким ёрдамчилари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 2053 та муаммо ва таклиф берилган. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш ёки фаолиятини кенгайтириш истагини билдирган 1453 та ишбилармоннинг 65,2 миллиард сўм кредитга эҳтиёжи борлиги аниқланган.

Тойлоқ тумани Испанди қишлоғида жойлашган Абдуллох ибн Абдурахмон Дорамининг мақбара мажмуаси ёнида тадбиркор томонидан 10 минг нафар намозхонга мўлжалланган масжид ҳамда 100 ўринли мадраса қуриляпти.

Булунғур тумани марказида жойлашган Сайлғоҳ қўчаси гастрономик кўчага айлантирилади.

Нотариуслар бир мақомдан бошқасига ўтди

Нима ўзгарди, бундан одамларга қандай манфаат бўлди?

Бу идорага ҳамманинг ҳам иши тушавермайди. Бироқ зарурат туғилганда қанчалик муҳим эканлигини англайсан киши. Шу боис бошқа соҳалар қатори нотариал хизмат кўрсатиш борасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Биз шу ишлар моҳияти, унинг самаралари ҳақида билиш учун нотариал палатанинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хусан Хўжамқулов билан суҳбатлашдик.

– Ҳар бир касбнинг ўзига яраша осон-қийин томонлари бор, – дейди Ҳ.Хўжамқулов – Нотариусликда ҳам шундай. Ўз навбатида бу шарафли касб деб ўйлайман. Чунки халқнинг оғирини енгил қилади, ҳар ким ҳам умрида бир марта бўлса-да, нотариусга мурожаат қилади.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

ДЕҲҚОН МАНФААТДОРЛИГИ ОРТАДИ



Давлатимиз раҳбари ғаллачиликдаги ислохотларнинг энг муҳим босқичига бағишланган йиғилишда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш учун фермерлар манфаатдорлигини ошириш, кўпайтириш орқали бозорда таклифни кучайтириш кераклиги, бунинг учун ғаллачиликда бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш зарурлигини билдирди.

тўлов сифатида давлат бюджетидан 100 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ҳам фермерни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Фермер хўжалигимиз мисолида оладиган бўлсам, ихтиёримиздаги 90 гектар майдоннинг 58 гектарига гўза, 30 гектарига ғалла ва 2 гектар майдонда соя етиштиряпмиз. Пахта ва ғалла ҳосилини кластер корхоналари харид қилса, соя ҳосили учун қайта ишловчи корхоналар билан шартнома имзолаганимиз. Даромадларимиз ҳисобидан хориждан насли қаромол келтириб, чорвачилик тармоғини ташкил этдик. Биргина ғалла ҳосилини оладиган бўлсам,

Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси маълумотларига кўра, 2022 йил ҳосили учун вилоятимизда 94 130 гектар майдонда 755 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирилиши кутилмоқда. Ҳосилнинг 406 минг тоннадан ортиқ қисми учун шартномалар имзоланган бўлса, 29,4 минг тонна дон уруғлик учун сакланган.

Ғалланинг 184 минг тоннадан ортиғи (78,1 фоизи) белгиланган нархда давлат захирасига ва 51,5 минг тоннаси (21,9 фоизи) фермер хўжаликлар томонидан биржа савдоларига чиқарилади.

Кластер корхоналари, паррандачилик ва чорвачилик хўжаликлари томонидан 141 минг тоннадан ортиқ ғалла учун шартномалар тузилган бўлса, фермер хўжаликлари ихтиёрида 378 минг тоннадан ортиқ ҳосил қилиши кутилмоқда.

ўтган йили 30 гектар майдондан 70 центнердан ҳосил олдик. Шартномага асосан 1550 сўмдан 100 тонна дон топиширган бўлсам, яна шунча маҳсулот хўжалигимиз ихтиёрида қолди. Лекин очигини тан олиш керак, бу маблағ ёқилғи, минерал ўғит, ишчи кучи ва бошқа харажатларга сарфланиб, фермернинг манфаатдорлиги кам бўларди. Яъни, фермер ғалланинг ўрнида тақрорий экин экишдан умидвор бўлиб қоларди. Президентимиз фермернинг муаммосини яхши

ларида ҳам тўловлардан озод этилди. Соҳадаги енгилликлар туфайли ғалладан 400 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибмиз. Бу даромад аслида ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади. Мисол учун, аввал бир гектар майдонга 500 килограмм ўғит берилиб, ҳосилдорлик 70 центнерга етказилган бўлса, кейинги йилдан 80-90 ва яқин вақтда ғалла ҳосилдорлигини гектарига 100 центнерга етказишни ният қилганмиз.

Шу ўринда бир ҳолатни эсласам, 4-5 йил аввал фермер хўжаликлари гўза майдонининг маълум қисмига бошқа даромадли экинлар экишга уринишарди. Президентимиз ташаббуси билан пахтачиликда катта ислохотлар ўтказилиб, соҳада кластер тизими жорий этилган, пахта хомашёсининг давлат хариди эркин нархга ўтди. Бу фермерларга катта манфаат келтирди. Кластер тизимининг афзаллиги туфайли маҳсулотни юқори нархда сотиш, вақтида керакли маблағни олиш имкони бор, ҳаттоки, бир неча йил олдин банкдан катта фоиз эвазига кредит олиб, жорий этиладиган томчилик сугорги тизимини кластер корхонаси фоизсиз 4 йилда бўлиб тўлаш шарт билан хўжаликларга ўрнатиб бермоқда. Фермер бу тизимдан, пахтачиликдан манфаат кўргани учун майдонни қисқартириш тугул бўш ерга ҳам гўза экмолди. Ҳозирда ғаллачилик тармоғида ҳам кластер тизими ривожланыпти. Эндиликда бу тармоқ ҳам даромадли йўналишга айланади.

Зайнаб ҲАЙДАРОВА,
Нарпай туманидаги "Меҳнат-роҳат" кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи.

Нотариуслар бир мақомдан бошқасига ўтди

Нима ўзгарди, бундан одамларга қандай манфаат бўлди?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Айрим ҳолларда нотариус қабулида “Ишимни тез-тез бажариб беринг, кутишга вақтим йўқ”, “Бир варақ қоғозни ёзиб ташлаш шунча қийинми?” деганга ўхшаш мурожаатларга гувоҳ бўламиз. Бундай ҳолатларга қандай муносабат билдирасиз?

- Айтаётганингиз бор гап. Тажрибамдан айтишим мумкинки, нотариусга ҳеч ким бемалол келиб, мурожаат қилиб, ишини битирмайди, кўпчиликнинг поездга ёки самолётга билети бўлади ё бошқа сабаб, тезда кетиши керак. Шунга шошади, унгача нима қилади, билмайман.

Ҳар хил феълли фуқаролар келади, нотариус ҳаммаси билан хушмуоала қилишга мажбур.

Ким бўлишдан қатъи назар, унутмаслиги керак, нотариус аввало, ҳужжат билан ишлайди, уларни текширади, шошма-шошарлик қилиб, ишни битириб беришга ҳақи йўқ. Агарда шошиб, ҳужжатларни ўрганмасдан, ишни пала-партиш амалга оширса, ёмон оқибатларга олиб келади, томонларга моддий ва маънавий зарар етиши мумкин. Ушбу зарар айбдор нотариус томонидан қопланади.

Бундан ташқари, ҳужжатлар тайёр бўлгандан кейин ҳар бир нотариал ҳаракатни расмийлаштиришда хусусиятига қараб, 10 минутгача таймер-вақт берилади. Бунда нотариус томонларга амалга оширилаётган нотариал ҳаракатнинг мазмун-моҳиятини, оқибатларини, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Шундан келиб чиқиб, агарда томонлардан бири ушбу нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад қилса, таймер – вақт тугагандан кейин нотариал ҳаракатни расмийлаштириш, яъни рўйхатга олиш рад этилади.

- Амалдаги тартибга кўра, нотариал идорада мурожаат қилувчиларга барча шароит ва қулайликлар яратилган бўлиши лозим. Аммо айрим нотариуслар биносида қабулга келганларга кутиш учун шароит йўқ. Бунга нима дейсиз?

- Бу фикрингизга қўшилмайман, чунки биринчи навбатда фуқароларимизга шароит яратиб берилади. Чунки ҳозирда вилоятимизда хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар фаолият юритмоқда. Соғлом рақобат шароитида халқ тилида айтганда, “мижоз” кўп бўлиши учун шароит яратишга ҳаракат қилади.

Давлат нотариуси сифатида фаолият юритган нотариуслар хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус бўлгач, давлатимиз қўллаб-қувватлаши ортидан ўз фаолиятини йўлга қўйиб олиши учун ишлаб турган жойлари ижарага берилди. Моддий бойликлари эса баҳолашиб, бўлиб тўлаш шарти билан ўзларида қолдирилди.

- Туманлардаги нотариуслар айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширмаслиги (балки, қиловмаслиги) ўз йўлига, аммо Самарқанд шаҳрида ҳам нотариуслар муайян йўналишларга “ихтисослашган”. Дейлик, кимдир атомобиль олди-сотдиси, кимдир кўчмас мулкни расмийлаштириш билан шугулланади. Бу қанчалик тўғри ёки қонуний асосга эга?

- Ҳақиқатда бундай ҳолатлар йўқ эмас, афсуски, учраб турибди, аслида нотариус ҳамма ҳаракатларни амалга ошириши керак.

- Дейлик, фуқаро шундай ҳолатга дуч келса, кимга ёки қаерга мурожаат қилиши мумкин?

- Бундай пайтда вилоят адлия бошқармаси ёки вилоят нотариал палатасига мурожаат қилиши мумкин.

- Вилоятимизда қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўяётган ва касб этикаси қоидаларига риоя этмаётган нотариуслар ҳам учраб турибдими?

- “Гуруҳ курмакисиз бўлмайди” деганларидек, шундай нотариуслар ҳам бор. Бунга қарши кескин кураш олиб бормоқдамиз, палатамиз қошида касб этикаси комиссияси фаолият юритади. Касб этикаси қоидаларига риоя қилмаган, фуқаролар билан қўпол муомалада бўлган нотариусларнинг ҳатти-ҳаракатлари кўриб чиқилади ва тегишли баҳо берилади.

Яқинда хусусий амалиёт билан шугулланувчи икки нафар нотариуснинг лицензиялари вақтинча тўхтатилди. Яъни, тизимда қонунсизликка мутлақо ўрин йўқ.

- Мазмунли суҳбатингиз тўлақоли раҳмат!
Ё.МАРҚАЕВ суҳбатлашди.

Автомобиллар учун замонавий мини қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда

Замонавий дунёдаги автомобиллар тўртта гилдирак, двигателъ, бошқарув рулидан иборат эмас. Уларда масофадан бошқариладиган микроциплар, турли хил такомиллашган қурилмалар мавжуд.

Ургут туманидаги “UJAM INNOVATE” масъулияти чекланган жамияти томонидан автомобиллар автохалокати пайтида фавқулодда вазиятлар ва тез тиббий ёрдам зимматлари call-марказларига хабар берувчи “SOS” қурилмаси ишлаб чиқарилди. Шунингдек, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчиларнинг автомобиль бошқарилишининг олдини олиш ва автохалокатларни бартараф

этишга кўмаклашувчи “Алкотестор” қурилмаси ва мини кўчма музлаткич лойиҳалари амалга оширилди. Бундай замонавий қурилмалар тумандаги “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар томонидан яратилмоқда. Туман ҳокими бундай қурилмалар ҳар бир автомобилда бўлиши зарурлигини таъкидлаб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун “Ургут савдо комплекси”дан бепул жой ажратиб берилишини билдирди.

Алишер НОРБОВЕВ, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ургут инновацион ҳудуди бўйича масъули.

Қўшработлик Салима опанинг оиласи бундан бир мунча муддат аввал оғир синовдан ўтди. Тўнғич қизи тўсатдан вафот этди. Ушбу дард билан бўлиб, янаям тўғрироғи, қўли калталиқ қилгани учун икки кенжа қизини шифокорга кўрсатиш, даволатишнинг иложини тополмади. Энди эса Самарқандда шифокорларнинг ўзлари қишлоғига келиб, кўриқдан ўтказяпти. Афсуски, текширувлар давомида иккала қизиди ҳам юрак пороғи хасталиғи аниқланиб, зудлик билан операция қилиш кераклиғи аниқ бўлди. Кардиожавроҳлар бу оилани овора қилишмади, операция шу ернинг ўзиди, Қўшработда ўтказиладиган бўлди. Қизларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

САМАРҚАНД ТИББИЁТИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Тиббиётда кейинги йилларда бу каби инсон қадрни учун амалга оширилаётган ишлар тизимли равишда кечмоқда.

Иши тушмаган одам шифохонадаги, тиббиёт билан боғлиқ ўзгаришларга кўп эътибор бермайди. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган аксар пресс-турларда ҳамкасбларимиз ҳам кўп воқеликлардан ҳайратларини яшира олмайдилар. Дейлик, чекка тумандаги оилавий шифокорлик пунктидаги шароит, қишлоқ аҳолисининг узоққа бормай, ўз ҳудудидидаги поликлиникада УТТ аппарати-га тушишини бир пайтлар тасаввур қилиш қийин эди. Ҳозир бунга ҳамма кўниккан. Аҳолига қараб, ҳафтада бир ё бир неча марта олиниши керак бўлган гемодиализ муолажаси учун энг чекка ҳудудларда яшовчи беморлар ҳам вилоят марказига келишга мажбур эди. Бунинг ҳаммаси кўшимча маблағ, беморнинг аҳоли оғирлашувига сабаб бўларди.

Мамлакатимиз раҳбари тиббиёт соҳаси вакиллари билан кетма-кет учрашувлар ўтказмоқда, соҳага доир ўнлаб қарорларнинг барчасида тиббиёт аҳоли учун янада имтиёзли, янада қулайроқ бўлишига эътибор қаратилган. Натижа эса...

318 ТУРДАГИ ЖАРРОҲЛИК САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

- Айтиш керакки, тиббиёт кейин 2-3 йилдагичалик бу даражада қуйига, яъни аҳоли орасигача тушмаганди, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Давронбек Жуманиёзов. - Яъни, илгари самарқандликлар бир қатор жарроҳлик амалиёти учун пойтахтга ёки чет элга боришга мажбур эди. Мисол учун, шу пайтга қадар республикада бажариладиган 350 турдаги жарроҳлик амалиётларидан 318 таси вилоятда бажарилиши йўлга қўйилди. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 58 турга кўпайган. Хусусан, болалар кардиохирургияси ташкил қилиниб, 1000 нафардан ортиқ болаларда кардиохирургик операциялар ўтказилди. Болалар

сунъий буйрак бўлими очилиб, ҳозирда 120 нафар беморга гемодиализ сеанслари ўтказилмоқда.

Катталар кардиохирургияси йўналиши ҳам Самарқандда илк бор ташкил қилиниб, 2021 йилда 3 мингдан ортиқ беморларда очик ва 6 мингдан зиёдининг юрағида ёпиқ мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилди.

Буйрак трансплантацияси йўлга қўйилиб, 16 нафар беморда амалиёт ўтказилди.

Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиалига 2 миллион евро маблағ эвазига ички ва ташқи нур терапияси аппаратлари ўрнатилди. Биргина нур терапияси учун ҳам беморлар пойтахтга боришга мажбур эдилар. Юқоридидаги операциялар билан қўшиб ҳисоблаганда, қанчадан-қанча самарқандликларнинг пойтахт ёки чет элга боришларининг олди олинапти.

ХУСУСЙ КЛИНИКАЛАР БИР БАРАВАРГА ОРТДИ

Вилоятда хусусий тиббиёт муассасалари 2017 йилга нисбатан 379 тага ошиб, 612 тага етди. Мисол учун, Ҳиндистон билан ҳамкорликда “ZARMED PRATIKSHA HOSPITAL GROUP” номи кардиохирургия, нейрохирургия ва травматология йўналишидаги кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилди.

Швейцария ва Эстония давлатлари ҳамда “INTRAMED” МЧЖ ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида 2022 йилнинг якунига қадар лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ долларилик кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этилади. Бу ерда 300 ўринли шифохона, 5 та замонавий операция хоналари, интервенцион кардиохирургия, онкология, нейрохирургия, эндоскопик хирургия, ортопедия ва травматология, урология, гинекология, ЛОР бўлимлари очилади.

АМАЛИЙ ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Самарқанд давлат университетида шундай марказни ташкил қилиш режа-



лаштирилган. Университетнинг ядро физикаси лабораториясида мавжуд эскирган тезлаткичи замонавий, янги “Чизиқли тезлаткич” ускунасига алмаштириш ва уни аутсорсинг асосида хусусий тиббий секторга фойдаланишга бериш орқали нурли терапияга муҳтож беморларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Шу билан бирга, университетнинг математика, физика, биология, кимё каби фундаментал фанлар йўналишлари негизда фундаментал тиббиёт институти ташкил қилишга асос яратилади.

ХОРИЖДАН 46 МУТАХАССИС КЕЛИБ ИШЛАЯПТИ

Ҳозирда Самарқандга чет элдан 46 нафар мутахассис келиб, фаолият олиб бормоқда. Уларнинг аксарияти ҳамюртларимиз бўлиб, узоқ йиллар хорижий давлатларда ишлаб, малака оширган.

- Юрак қон-томир касалликлари бугунги кунда хасталиклар орасида биринчи ўринга чиқиб қолмоқда, - дейди республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиали бош врач Максуд Саидов. - Аммо шу пайтга қадар Самарқандда юрак операцияси амалга оширилмаган эди. Кардиохирургия

Умуман, инсон қачон ўз қадрни ҳақида кўп ўйлайди? Бемор бўлганида. Тобингиз қочиб, бир пиёла чойни дамлай олмай қолганингизда, кимгадир муҳтожликни ҳис қилиб, ёнингиздагилар аҳолинингизни тушунмай, эътиборсизлик кўрсатиши дил оғриғига сабаб бўлади ва қалбда қолиб кетади. “Эҳ, қанийди, соғлом бўлсам, ҳеч кимга кунинг қолмасин экан”, дея ич-ичингизда соғлом кунларингизни кўмсайсиз, эътиборсизликдан ранжийсиз. Ҳа, беморлик ўзингизни ҳам, атрофингиздагиларни ҳам синовдан ўтказадиган палла. Айниқса, бу пайт тиббиёт ходимларининг ҳатти-ҳаракати соғайиб кетишингизда энг муҳим босқичдир. Кейинги пайтда одамлар орасида “Врачлар, ҳамширалар жуда яхши гапириб жўнатишди, уларнинг ширин муомаласидан тузалиб кетдим”, дея фикр билдираётганлар ҳақида кўп эшитяпмиз. Баъзилар ҳатто “юқоридан буйруқ бўлгандир, бу вақтинча эмасмикан”, деган шубҳаларини ҳам айтяпти.

Ваҳоланки, буларнинг бари инсон қадрни учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, сарфланаётган маблағлар натижасидир. Ким учундир қилиниб, сезилиб, ким учундир эса аҳамиятсиз, кимларнингдир эса ҳаётини асраб қолаётган, узогини яқин қилаётган, дардига малҳам бўлаётган саъй-ҳаракатлардир бу.

Гулруҳ МҲМИНОВА,
“Зарафшон” муҳбири.

➡ Президент қарорига кўра

Халқ таълими тизимида янги тартиблар киритилди

Жорий йил 11 майда Президентнинг “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида тизимда янги тартиблар жорий қилинди.

Жумладан, Халқ таълими вазирлигининг: - таълим беришга мўлжалланган бино ва иншоотларнинг таълим соҳасидан ташқари бошқа мақсадлар учун юридик ва жисмоний шахсларга берилиши тақиқланади; - таълим беришга мўлжалланган, бўш турган бино ҳамда иншоотларни бошқа жисмоний ва юридик шахсларга бериш улар жойлашган ҳудуднинг камида 5 йиллик демографик кўрсаткичларини инобатга олиб, Халқ таълими вазирининг розилигини олган ҳолда амалга оширилади.

ДИРЕКТОРЛАРНИНГ ВАКОЛАТИ КЕНГАЙДИ

Қарор билан мактаб директори ваколоти ва масъулияти бўйича қатор янгиликлар жорий қилинмоқда.

Жумладан, уларга жорий йил 1 сентябрдан: халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига бюджетдан ташқари маблағларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилади. 2025 йил 1 январга қадар халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдориди белгиланади. Қўшимча хизмат кўрсатишдан тушган бюджетдан ташқари маблағларни яширган, шунингдек, ходимларга норасмий иш ҳақи тўлаган халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотлар-

нинг раҳбарлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, 1 декабрда мактаб директори лавозимига номзодларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижаси бўйича уларга менежерлик сертификатини бериш амалиёти йўлга қўйилади.

МАЛАКАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРГА УСТАМА

Келгуси йил 1 августгача педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинади. 2022 йил 1 сентябрдан мактабларда умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга педагог кадрларга қуйидаги тартибда ҳар ойлик қўшимча устамга тўланади:

- халқаро тан олинган сертификатга эга педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдориди;
- халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган миллий баҳолаш тизимида олинган сертификатга эга педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдориди;
- Давлат тест марказининг миллий баҳолаш тизимида олинган сертификатга эга педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдориди (чет тили бўйича сертификатлар бундан мустасно);
- Давлат тест марказининг миллий баҳолаш тизимида чет тили бўйича олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга эса:
- 2025 йил 1 январгача уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдориди;
- 2025 йил 1 январдан – уларнинг тариф ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдориди тўланади.

Ориф МУҲАММАДИЕВ,
вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

Замонавий ўқитиш методикаси: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий за-
рурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги
билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатимизда узлуксиз таълим
tizimini ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, унга илғор педагогик ва
ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорли-
гини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада жадал
ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хорижий тилларни ўқитишга
эътиборнинг ошиши жамиятнинг янада демократлашувига, фан ва таъ-
лимнинг ривожланишига хизмат қилади. Кейинги йилларда ушбу йўна-
лишда бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси-
ни таъминлашда олий таълим муассасалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 17-18 май
кунлари Самарқанд давлат чет тиллар
институтида “Хорижий тилларни ўрга-
тишда замонавий ўқитиш методикаси:
муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги
халқаро илмий-амалий анжуман ўтқа-
зилиши режалаштирилган. Хорижий
тилларни ўргатишнинг самарали усулла-

ри, уларнинг турлари ва тадқиқ қилиш
методлари, замонавий ўқитиш методика-
си, унинг ўрганилган, ўрганилаётган ва
ўрганилиши лозим бўлган йўналишлари
каби масалалар муҳокамаси анжуманнинг
асосий мақсад ва вазифасини ташкил эта-
ди. Бу мавзулар Замонавий таълимда тил
ўқитишнинг долзарб муаммолари, рақам-

ли таълим тизимида хорижий тилларда
мулоқот компетенциясини шакллантириш,
чет тилини тил, таржима ва методикани
интеграциялашган ҳолатда ўқитиш усул-
лари, масофавий таълимга хорижий тилни
ўқитишнинг инновацион методларини
тадбиқ қилиш шубҳаларида муҳокама
қилинади.

Инглиз тили-І факультетининг инглиз
тили ўқитиш методикаси ва амалиёти
кафедраси томонидан ўтказилаётган
анжуман хорижий тил таълими, хорижий
тилларни ўқитиш усуллари ва таъ-
лим-тарбия назарияси, таълим жараёнига
янги педагогик ҳамда инновацион тех-
нологияларни жорий этиш билан боғлиқ
долзарб муаммолар, уларнинг ечимла-
рини топиш ҳамда бу борада эришилган
ютуқлар доирасида мутахассисларнинг
тажриба ва фикр алмашувини таъминлаш,
масофавий таълим усулларини такомил-



лаштириш, ўқитувчиларнинг педагогик
маҳоратини ошириш ва ўқитиш сифатини
яхшилашга эришишни ўз олдига мақсад
қилиб қўйган.

Анжуманда юздан зиёд чет тили фани
ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар,
шунингдек, Россия, Қозоғистон, Қирғи-
зистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Туркия,
Испания ҳамда Жанубий Корея давлатла-
ри, хорижий университетлар вакиллари
иштирок этиши кутилмоқда.

Гулноза БОЛТАҚУЛОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтини инглиз тили ўқитиш
методикаси ва амалиёти
кафедраси мудири.

Тугатилаётган юридик шахснинг солиқ
мажбурияти мазкур юридик шахснинг
пул маблағлари, шу жумладан, унинг
мол-мулкни реализация қилишдан
олинган пул маблағлари ҳисобидан
тугатувчи томонидан бажарилади.

Юридик шахс тугатилганда солиқ мажбурияти қандай тартибда бажарилади?

Агар тугатилаётган юридик шахснинг пул маб-
лағлари, шу жумладан, унинг мол-мулкни ре-
ализация қилишдан олинган пул маблағлари унинг
солиқ қарзини тўлиқ ҳажмда узиш учун етарли
бўлмаса, тўланмай қолган қарз мазкур юридик
шахснинг иштирокчилари томонидан қонунчилик-
да белгиланган миқдорда ва тартибда узилиши
мумкин.

Юридик шахс тугатилаётганда солиқ мажбурия-
тини мазкур юридик шахснинг бошқа кредиторлари
билан ҳисоб-китоблари ўртасида бажариш навбати
фүқаролик қонунчилиги билан белгиланади.

Тугатилаётган юридик шахс томонидан ортиқча
тўланган ёки ундан ортиқча ундирилган солиқлар
(пенялар, жарималар) суммалари солиқ органи
томонидан ушбу кодексда белгиланган тартибда
бошқа солиқлар бўйича солиқ қарзини узиш ҳисо-
бига ҳисобга олиниши лозим.

Мирали МАМАЗИЁЕВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси
масъул ходими.

Вакилларимиз халқаро конференцияда ғолиб бўлди

Россиянинг Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт
университетида “Болалар хирургияси анестезиология ва
реаниматологиясининг долзарб масалалари” мавзусида
28-халқаро талабалар илмий конференцияси бўлиб ўтди.
Мазкур илмий форум ишида 40 дан ортиқ тиббиёт олий
ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.

Самарқанд давлат тиббиёт университети болалар
хирургияси кафедраси профессор-ўқитувчиларининг
шогирдлари ҳам ушбу конференцияда муваффақиятли
қатнашди.

Кафедра талабалар илмий жамияти жамоаси конфе-
ренциянинг олтин медали ва I даражали дипломи билан
мукофотланди.

Талабаларимизнинг алоҳида маърузалари ҳам юқори
баҳоланди. Жумладан, Шаҳзод Шамсиев, Эркин Давро-
нов, Лутфилло Умрилоев, Рустам Шамсиев, Достонбек
Жўраевлар I даражали диплом билан, Ўқтамжон Носиров
ва Дамиржон Мардоновлар II даражали диплом билан,
Дилшод Пўлатов, Махмуджон Раҳимов III даражали дип-
лом билан тақдирланди.

USAID қишлоқ хотин-қизларига имконият яратмоқда

даги “Ишга марҳамат” моно-марказ-
лари, касб-хунар мактабларида ўқув
курслари олиб борилади. Иштирок-
чилар USAID, Бандлик ва меҳнат му-
носабатлари вазирлиги ҳамда “Сабр”
ижтимоий-иқтисодий ривожланиш
марказининг сертификатлари билан
тақдирланади.

Ўқув курси дастурларида хо-
тин-қизларга молиявий бошқарув,
бухгалтерия ҳисоби, бизнес-режа-
лаштириш асослари, иссиқхона ва
томорқа боғдорчилиги, асаларичи-
лик, ипакчилик, қуёнчилик ва па-
рандачилик, халқ ҳунарамандчилиги,
қандолатчилик, ошпазлик, сарта-
рошлик, тўқимачилик, компьютер
саводхонлиги ҳамда ахборот техно-
логиялари бўйича касбий кўникма-



ларни ўргатиш назарда тутилган.
Лойиҳа доирасида қамраб олинган
1000 нафарга яқин иштирокчининг
камида 30 фоизига ишга жойлашиш,
стартлапларини молиялаштириш имко-
нияти берилади. Танланган битирув-
чиларга микрокредитлар ажратилади,
бизнесни очиш, кенгайтириш учун за-
рур ускуналар билан таъминланади.
Ушбу лойиҳаларга USAID томонидан 1
миллион АҚШ доллари ажратилган.
Фахриддин РАЖАБОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига тиббий асбоб-ускуна харид қилиш учун ташкилотлар ўртасида тендер эълон қилинади:

- ИВЛ аппарати (маркаси “Maqvet”) – 1 дона, аппарат баҳоси 350 000 000 сўм;
- қақалоқлар учун ёруғлик диодида фототерапия билан очиқ жонлантириш систе-
маси (реанимацион стол) – 2 дона, аппарат 1 донасининг баҳоси – 75 000 000 сўм;
- қақалоқларни парваришlash учун замонавий олий навли моделдаги инкубатор
(Кювез) – 2 дона, аппарат 1 донасининг баҳоси – 99 000 000 сўм.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Самарқанд шахри Гиёсиддин Жамшид кўчаси, 21-“А” уй. (Почта индекси 140120).
Телефон: (66) 232-22-52, (97) 916-65-60.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА!

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухид-
динович нотариал идорасида марҳум Нормурадов
Зиядулла Нарзуллаевичга (2021 йил 8 августда
вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши
очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг
Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идо-
расига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Ўзбекистон
кўчаси, 35-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Жўраев Камолиддин
Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Га-
фаров Абборга (2020 йил 15 августда вафот этган)
тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.
Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев
Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига
муружаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Ўзбекистон
кўчаси, 35-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Норкулов Умид Руста-
мович нотариал идорасида марҳум Расулов Ма-
матқулга (2021 йил 24 февралда вафот этган)
тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.
Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов
Умид Рустамович нотариал идорасига мурожаат
этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шахри Туркистон кў-
часи, 62-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Маматқулов Отабек

Болбекович нотариал идорасида марҳум Ахро-
ров Рустам Ахоровичга (2020 йил 11 фев-
ралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун
мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан
меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбеко-
вич нотариал идорасига мурожаат этишларини
сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси,
15-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўра-
куловна нотариал идорасида марҳум Мухамед-
гарипов Нурмухамед Мухамедгариповичга (1992
йил 12 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк
учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан
меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракулов-
на нотариал идорасига мурожаат этишларини
сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси,
туман давлат хизматлари маркази биносиди.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўра-
куловна нотариал идорасида марҳум Батыров
Рахманга (2013 йил 5 февралда вафот этган)
тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.
Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева
Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат
этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси,
туман давлат хизматлари маркази биносиди.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азамато-
вич нотариал идорасида марҳум Шерматов Толиб

Аллаёровичга (2014 йил 17 августда вафот этган)
тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу
муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев
Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат
этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарча-
си, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан
шугўлланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Аза-
матович нотариал идорасида марҳум Рахматов
Хайрулла Тойировичга (2019 йил 6 сентябрда
вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши
очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг
Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига
муружаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарча-
си, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ!

Самарқанд шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим
мактабидан 2020 йилда Танғиров Лочинбек Кайум
ўғли номига берилган UM № 0532374 рақамли
умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома
йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 31-ўрта мактабдан
1993 йилда Давронов Уктам Амонович номига
берилган ВУ № 254363 рақамли таянч маълумот
тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим
мактабидан 2003 йилда Хамраев Рустам Пуло-
тович номига берилган У № 0575152 рақамли
умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома
йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 63-ўрта мактабдан 1992
йилда Саритаева Гулчехра Муратқобиловна номи-
га берилган А № 205819 рақамли тўлиқсиз ўрта
маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги
сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар Мирзо Улуғбек номидаги
1-физика-математика лицейидан 2002 йилда Ман-
суров Зафар Пулатович номига берилган О`R-A
№ 1226172 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги
шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қи-
линади.

Тойлоқ туманидаги 22-умумий ўрта таълим
мактабидан 2019 йилда Курбонов Акмалжон Ка-
молевич номига берилган ТМ № 0451225 рақам-
ли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги

шаҳодатноманинг иловаси йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 19-умумий ўрта таълим
мактабидан 2002 йилда Халмунинов Санжар Ку-
баевич номига берилган O`R-Z 1243058 рақамли
таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган-
лиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги 55-умумий ўрта таълим
мактабидан 2011 йилда Тожиева Гулноза Исма-
тулло қизи номига берилган O`R-SH № 1109390
рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома
йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги 62-ўрта мактабдан 1997
йилда Сариева Бахтигул Нормуродовна номига
берилган O`R-D № 398832 рақамли таянч маълум-
от тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 26-ўрта мактабдан 1995 йл-
да Хатамова Нилуфар Расуловна номига берилган
АО № 121695 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги
шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё политехника касб-хунар коллежидан
2013 йилда Қаҳҳорова Шоҳида Одил қизи номи-
га берилган рўйхат рақами 6281, К № 2973723
рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги
сабабли бекор қилинади.

Оқдарё педагогика коллежидан 2012 йилда
Махмудова Хумора Собиржон қизи номига берил-
ган рўйхат рақами 2812, К № 0169538 рақамли
диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

Оқдарё педагогика коллежидан 2010 йилда
Махмудов Хумоюнхон Собиржон ўғли номига бе-
рилган рўйхат рақами 1999, К № 1698376 рақамли
диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли
бекор қилинади.

Қарши қурилиш касб-хунар коллежидан 2019
йилда Зиёдуллоева Нозанин Ибодуллаевна номи-
га берилган рўйхат рақами 520, К № 5507680
рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги
сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ агротадбиркорлик касб-хунар колле-
жидан 2020 йилда Самадов Камронбек Жавод ўғли
номига берилган К № 5885223 рақамли диплом
ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор
қилинади.

Хотира уйғонса гўзал

Ҳадиси шарифда “Тангри кимники хуш кўрса, уни
ҳамма учун керакли қилиб қўяди”, дейилган. Кат-
тақўрғонлик профессор Ҳамроқул Ҳамдамов ана
шундай инсонлардан эди.

Дардларга дармон бўлиб яшаган инсон

Аслида Ҳамроқул Ҳамда-
мов бутун вилоят ахлига жуда
яхши таниш. Бу исм-шарифни
эшитган инсон кўз ўнгиди
ўзида кучли билим, чин ин-
соний сифатларни мужассам
этган моҳир шифокор қиёфаси
намоён бўлади. Ҳамкасблари,
шогирдлари ва унинг қўлидан
шифо тогланлар Ҳ.Ҳамдамов
катта ҳаётий ва касбий та-
жрибага эга, қалбан беғубор
инсон эди, деб эслашади.

У 80 йиллик ҳаёти давоми-
да нафақат элга хизмат қилди,
балки кўпчилик учун ибрат
намунаси, йўлчи юлдуз бўлди,
дейиш мумкин. Болалиги уруш
йилларига тўғри келган ин-
сонлар орасидан илм эгалари
бўлганда ҳам, тиббиёт билан
қаттиқ шугўлланганлар кам
сонли. Шу маънода, Ҳ.Ҳамда-
мов ўқishi, интилиш даври,
замон танламаслигини амалда
исботлади.

Отаси Ҳамдам бобо ва
онаси Саломат ая хўжаликда
ишлаб, рўзгор тебратгани ха-
м бўлажак профессорнинг камо-
лот пиллапояларидан кўтари-
лиши осон кечмаганини яққол
исботлайди.

Ҳамдам бобо ва Саломат
ая тиришқоқлиги, фавқулодда
зйираклиги учунми ёки у айни
ақлини таний бошлаганида
уруш бошланиб қолгани ва
оқибатда ногирон, майиб-
мажруҳлар кўпайиб қолгани
учунми, Ҳамроқулга бошқача
умид кўзи билан қарарди.
Устозларидан у ҳақида эшит-
ган илиқ гаплар улар юрагига
нур бағишларди.

Албатта, бу умидлар исзиз
кетмади, Ҳамроқул қатъий
аҳди – шифокор бўлишдек
мақсади сари катта қадам
ташлади. Ота ишончи, она
дуоси, қолаверса, орзу йўли-
даги қатъият унга куч бериб
турарди. Натижада у тиббиёт
илмида номзодлик, докторлик
диссертацияларини ёқлади.
Ҳ.Ҳамдамовнинг юксак



маънавияти, ташаббускор-
лиги, ўз ўрнида эътиборли,
меҳрли инсон эканлигига бу-
гун кўплар гувоҳлик бериши
мумкин. Негаки, қарийб 25
йил Самарқандда талабаларга
тиббиёт илмидан дарс берди.
Унинг раҳбарлигида 13 киши
фан номзоди ва 2 киши фан
доктори илмий диссертация-
сини муваффақиятли ҳимоя
қилди. Олиннинг 70 дан
кўпроқ илмий мақола, 3 та
монография, 2 та илмий ихти-
ро ва 10 дан ортиқ рациона-
лизаторлик тақлифлари соҳа
мутахассислари учун амалий
қўлланма сифатида ҳаётга
тадбиқ қилинган.

Қон-томир касалликла-
ри, кўкрак қафаси, қорин
бўшлиғи аъзолари хасталик-
лари, турли аъзо чуррала-
рини жаррохлик йўли билан
даволашда моҳир шифокор,
меҳрибон устоз ҳаёт бўл-
ганида 85 ёшга тўлларди.
Аммо бир таскин бор – катта
хонадон соҳиби Ҳамдам ака
турмуш ўртоғи Ширин ая
билан етти фарзандни тар-
биялаб, вояга етказган. От
ўрнини той босар деганлари-
дек, фарзандларнинг тўрт
нафари шифокорлик касбини
танлаб, ота ишини давом
этирмоқда.

Бахтиёр САЛОҲИДДИНОВ,
Тоҳир ҲАМИДОВ.

ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Нуробод туманидаги “Жом деҳқон бозори
ТМК” масъулияти чекланган жамияти таъ-
сисчиларининг умумий йиғилиши 2022 йил
28 май куни соат 10:00 да жамият босқисиди
бўлиб ўтади.

Кун тартибида:
- 2021 йил якунлари бўйича ҳисобот;
- 2022 йил бизнес-режани тасдиқлаш;
- бошқа масалалар.

Манзил: Нуробод тумани “Гирдиқўрган”
МФЙ, Жом қишлоғи.

ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

Ургут агросервис касб-хунар коллежидан
2019 йилда Раҳматова Вазира Кучқор қизи но-
мига берилган рўйхат рақами 373, К № 5582083
рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги
сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик касб-хунар кол-
лежидан 2009 йилда Юлдашов Равшан Абдука-
римович номига берилган рўйхат рақами 3343,
К № 1275027 рақамли диплом ва унинг иловаси
йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 41-умумий ўрта таъ-
лим мактабидан 2008 йилда Орзиқулов Охун-
жон Обиджонович номига берилган У № 3088325
рақамли умумий ўрта таъ

Кишининг обрўси, қадр-қиммати, жамиятда тутган ўрни аввало, унинг мустақкам имон-эътиқодига, дили билан тили, сўзи билан иши бирлигига, билими ва тажрибасига оғишмай амал қилишига қараб белгиланади. Умрининг мазмуни эса қилган хайрли, эзгу ишлари, савобли амаллари ҳамда тайёрлаган шогирдлари билан ўлчанади.



Ўнмиздаги одамлар

Олим, агроном, спортчи

Вилоятимиз илм аҳли, қишлоқ ҳўжалик соҳаси фидойилари Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, халққаро “Нури Хўжанд” академияси аъзоси Хидир Ботировни жуда яхши билишади.



Хидир Ботиров матонатли инсон, 40 йилдан бери ҳар куни эрта тонгда 10 километр югуради, соатлаб бадантарбия машқларини бажаради. Ёшлар қатори футбол, волейбол, баскетбол ўйнаётганини кўрганлар домланинг 75 ёшда эканини билишмайди ҳатто.

Бугун ўзининг муборак ёшини нишонлаётган олим ва раҳбар Хидир Ботиров 6 нафар фарзанд, 9 нафар набиралари эъзоида.

Домлани қўтлуғ ёш билан табриқлаймиз.

Эргаш ҚОБИЛОВ, тиббиёт фанлари доктори. Зўбайдулла ИЗЗАТУЛЛАЕВ, биология фанлари доктори.

Жажжилар тафаккури устаси

Мавжуда Мансурова ана шундай фидойи инсонлардан бири. У кишини таниган билганлар аввало, катта оиланинг оқила бекаси, ибратли, элга хизмат қилаётган фарзанду набираларнинг сеvimли онаси, ўз касбининг етук билимдонни, истеъдодли мураббий, устоз сифатида қадрлайди. Чунки мутахассислиги бўйича юксак марраларни забт этган, инсонийлик, зўқолик, маърифатлилик фазилатларини ўзида жамлаган кишилар ҳамма замонларда ҳам муносиби қадр топган, эъзозланган.

1952 йилда Самарқанд шаҳридаги зиёли оилада дунёга келган Мавжуда Мансурова болалигидан мураббийларга ўзгача ҳавас билан ўлғайди. Отасининг “қиз бола учун ўқитувчилик, тарбиячилик шарафли касб”, дея қилган ўғитларидан бўлса керак, ўқитувчи бўлиш унинг бирдан-бир орзусига айланди. Серғайрат кизгина шаҳардаги 8-мактаб сабоғига, фанларни аъло даражада ўзлаштиришга бел боғлади.

Мақтабни энг аълочи ўқувчилардан бири сифатида тамомлагач, болалиқдаги эзгу орзулари рўёбига қатъий киришди ва Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. Олийғоҳда соҳага оид билимларини янада ошириб, устозлари ёрдамида касб маҳорати сирларини кунт билан ўрганди. Мутахассислик дипломини

олиб, илк меҳнат фаолиятини университет кутубхонасидан бошлади. Кутубхоначилик иши унга олийғоҳда олган билимларини янада бойитиш имконини берган бўлса-да, у келажак авлодга таълим-тарбия бериш учун талпинди. Ушбу интилиш унинг тақдирини кўп йиллар жажжи ширинтойлар билан ишлаш завқи билан сийлади. М.Мансурова қарийб 30 йил шаҳардаги 67-болалар боғчасида фаолият кўрсатди.

Боғчага бежиз “воёга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устохонаси”, дея таъриф берилмайди, - дейди М.Мансурова. - Ушбу макомга муносиб бўлиш учун ҳар бир машғулотни жонли ўтказиш, тарбияланувчиларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратардик. Сабоқларимизни турли дидактик ўйинлар ёрдамида олиб бориб, викторина ва танловлар уюштирардик. Шунинг учун машғулотларимиз очик дарсга айланиб кетарди. Бу ўз навбатида, янги педагогик технологиялар асосида дарс ишланмалари, замонавий методик қўлланмалар ишлаб чиқилишимизга замин яратарди. Чунки мактабгача таълим тизимининг бош мезони эркин фикрлайдиган, салоҳиятли кадрлар тайёрлашдан иборат эди-да.

М.Мансурованинг мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун тайёрланган дарс

ишланмалари вилоят, шаҳар боғчаларида оммалаштирилди. Тажрибали ва малакали тарбиячи вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтказилган анжуман ва семинарларда ўзининг мазмуни, кизиқарли маърузалари билан иштирок этди.

Ташаббускор бу аёл фидойи тарбиячи бўлишдан ташқари, ажойиб оила бекаси. Мавжуда опанинг эгаллаган касби каби фарзандларига бўлган меҳрининг ҳам на ибтидоси ва на интиҳоси бор.

Турмуш ўртоғи - Ражаббой ака билан беш ўғил-қизни жамиятга муносиб фарзанд қилиб тарбиялади. Бугун опа 14 нафар набира, 10 нафар эваралари камолини кўриб, уларнинг ҳурмат-эъзозиди ҳаёт кечирмоқда.

Мавжуда опа амалга оширган барча хайрли ишлар ўзи кўп йиллар меҳнат қилган 67-болалар боғчаси педагогик жамоаси, у киши яшаётган маҳалла аҳли учун ибрат намунаси сифатида хизмат қилмоқда.

Бугун ўзининг 70-баҳорини қарши олаётган Мавжуда Мансуровани қўтлуғ ёш билан табриқлаймиз.

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор, Сиз-ку юракларда илк зиё ёққан. Олимини, шоирни ва ё санъаткор, Илк бор сизга томон устоз деб боққан. А.ШЕРХОЛОВ.

ЯХШИ НИЯТ ҲАРОМНИ ОҚЛАЙ ОЛМАЙДИ

Ҳалол - шариатда мусулмонлар учун рухсат этилган хатти-ҳаракатлар, устбош, тоза ҳисобланган озиқ-овқатлардир. Ҳалолни ҳаром деган одам кофир ҳисобланади. Буни барчамиз биламиз, албатта. Аммо кейинги пайтда ҳаромни ҳалол дегувчилар кўпайиб бораётгани кишини таажжубга солмоқда.

Атрофингизга қаранг, рўза тутиб, тамаки чекаётганлар, бошқаларга зарарим тегмаса бас, деб ароқ ичаётганлар, на маданият ва на эътиқодимизга тўғри келадиган кийимларни кийиб, “қалб тоза бўлса, кифоя”, дейдиганлар, ҳижобни “мода”га айлантирганлар қанча! Ҳар гапиди Аллоҳни ўртага қўйиб қасам ичувчиларни қандай тушуниш мумкин?

Турди ТУРСУНОВ, меҳнат фахрийси.

Турмуш чорраҳаларида

Очиғини айтай, ёшимиз етмишдан ошган, катта ҳаётий тажрибага эгамиз. Худога шукр, фарзандларимизни ўқитиб, уйли-жойли ҳам қилдик, нафақамиз яхши, бунинг устига агар қалбимиз пок, соғлом бўлсак, яна нима ташвиш-ғамимиз бўлиши мумкин.

Бош чаноғимиздаги зулмат ва нур

Ора-сира бўлиб турадиган кундалик ҳаёт, турмуш зиддиятларига кўникиб кетганмиз, фавкуллода юз бериб қоладиган уруш-жанжал, тасо-диий фожиа, кулфатларни инобатга олмаганда. Буларнинг юз бериши бизга боғлиқ ҳам эмас. Шундай бўлгач, секин-аста қалбимизни, руҳимизни поклай бориб, Яратган даргоҳига покиза, гўзал қалб билан кириб бориш тадоригини кўрганимиз яхши эмасми?!

Шариат, тариқат мақомларини ўтиб, қалб поклигига эришсак, Тангри таоло бу мусаффо руҳимизни олабий руҳга қўшиб юбориши табиий, агар Ҳақ таоланинг садақатли бандасига айланиб улгурган бўлсак. Айтинг-чи, қалбан ана шу мақомга ета олган кишида ростдан ҳам нима ғам-ташвиш, хавотир, қўрқинч, нотоза хаёл, ҳиссиётлар бўлиши мумкин.

Мабодо, синовга берилган соғлом, омонат танамизга хиёнат қилмай, унга биронта касалликни киритмаган бўлсак, яна нима муддаомиз қолади, Яратганга ибодат қилиб, одамларга яхшилиқлар қилишдан бошқа?

Етмиш ёшдан ошган илмли, зиёли одамнинг қалбиди агар шу пайтгача ҳам ғараз, кимиларнидир кўролмаслик, ҳасад, ичқоралик туйғулари бор бўлса, демак, ҳали унинг қалби етарлича покланмаган, ғуборли, нотоза. Алабуҳусус, бундан шу ечим келиб чиқадики, у минг машаққат билан мисқоллаб йиғиб олган ҳудудсиз илм-тажрибасини амалда қўллай олмайди. Хазинани йиғиб, уни кўмиб қўйишдан нима наф? Ҳеч кимга наф етказмагач, кимга, нимага керак унақа хазина?!

Ахир бу йиғилган ҳаётий тажриба, илмлар хазинаси қалбни поклаш, етуклик мақомига етиш учун сарфланиши керак эмасмиди амалда? Муродим УМРЗОҚОВ.

ДАРЗ

Сардор қурилишда пайвандчи бўлиб, туппа-тузук ишлаб юрганди. Топгани ошиб-тошиб кетмаса-да, ҳар ҳолда қора қозонни қайна-тишга етиб турувди. Нима жин урди-ю, хотинининг қўтқусига учиб, Россияга ишга кетди. - Дугоналаримнинг эрлари жарақ-жарақ пул жўнатяпти, ўзлари маликалардай яса-ниб-тусаниб, кўзларни қўйди-риб юриди, - деди Нозима. - Мен-чи? Ўттизга кирмасдан ўтириб қолдим. Қўлим косов, сочим сўпург... - Сен ҳам ясан-тусан қил, ким қўлингни ушлаб туриб-ди, - деди Сардор. - Ўйна-кул, еганинг олдингда, емаганинг ортингда. Гулдай фарзандла-римиз, уй-жойимиз бор. Шукр, соғлигимиз яхши, бундан ортиқ яна қандай бойлик керак?

- Пулимиз кўп бўлса, дей-ман. Қўлимизни қаерга узатсак етса... - Ношукур бўлма, хотин, насиб этса ҳаммаси бўлади, - деди Сардор. - Қачон? - Нозима зарда билан ўрнидан туриб чикиб кетди. ...Сардор Нозимани севиб уйланган. Уни хафа қилгиси келмади. Россияга ишга кетди. Пайвандчилик ҳунари, ор-тирган тажрибаси қўл келди. Икки йил ишлаб, йигирма минг долларча ишлаб қайтди. Эски жигулисини сотиб, янги ма-шина олишни, хотини истаган нарсаларни муҳайё қилишни кўнглига тугиб қўйганди.

- Хўш, пулларни олиб кел-чи, - деди Нозимага қулиб. - Харажатларга етармикан? Энди кўнглинг тўлгандир, ҳали камми? Нозима қаерларнидир қовлаштириб, Сардор юборган пулларни олдиға қўйди. - Кам-ку? - деди Сардор пулни санаб кўриб, - қолгани қани? - Рўзғорга кетди, яна... “дугонагаштак” дегандай, - Но-зима ундан кўзини олиб қочиб, ерга қаради. - Ҳмм..., - Сардорнинг қошлари чимирилди. - Ўн беш минг доллар-а? - У хотини-нинг бўйнидаги тилла занжир, қулоқларидаги ял-ял товланган

зирақларига, бармоқларида-ги олтин узукларга, кўрган кишини мафтун этувчи сурма суртилган ҳумор кўзларига қа-ради. Эътибор бермаган экан, қаршисида мутлақо бошқа Нозима турарди. “Мен йўқли-гимда..?”. У хотинини хиёнат қилади, деб хаёлига ҳам кел-тирмаганид, тутаёки кетди: - Йўқол, энди хотиним эмассан! - У Нозиманинг юзига тарсаки туширганини билмай қолди.

У соврилган пулга эмас, бегона юртда азоб-уқубатда ўтган умрига ачинади. Кўз ўн-гидан изғирин совуқда ишла-гани, бетон ертўлада похол устида ётганлари ўтди. Ширин орзулар, бахтиёр дамлар, оила деган муқаддас кўрган, ўзаро ишонч, садоқат қасамига дарз кетганди.

Тоғаймурод ШОМУРОВОД.

Спорт

Камондан отиш бўйича Ироқнинг Сулаймония шаҳрида ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида қитъамизнинг 16 мамла-кати қаторида миллий терма жамоамиз камончилари ҳам қат-нашиб, 1 та олтин ва 2 та бронза медалларини кўлга киритди.

Самарқандлик камончилар Осиё кубоги совриндори

Мусобақанинг финал боскичи жуфтлик баҳсла-рида самарқандлик мерган Амирхон Садиқов ҳамда фарғоналик камончи қиз Зиёдахон Абдусатторова олтин медалга эга чиқди.

Эрақлар ўртасида кечган жамоавий баҳсларда самарқандлик икки мерган спортчи Амирхон Садиқов, Озодбек Унгаллов ҳамда тош-кентлик Чен Яо Юй бронза медалга сазовор бўлди.

Аёллар ўртасидаги жамоавий баҳсларда юртимиз шарафини хи-моя қилган самарқандлик камончи Мунира Нурманова, фарғоналик



Зиёдахон Абдусатторова ҳамда тошкентлик Нилуфар Ҳамроевага бронза медали насиб этди. Ф.РЎЗИБОЕВ.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV. Navbatchi: D.TO'XTAYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 619 nusxada chop etildi. Buyurtqa 305. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.